

10-26-2020

THE ISSUES OF STATE INDEPENDENCE IN THE COMMENTS OF THINKERS

Mavluda Zulkandar kizi Ergasheva
candidate of legal sciences, associate professor, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Philosophy Commons](#)

Recommended Citation

Ergasheva, Mavluda Zulkandar kizi (2020) "THE ISSUES OF STATE INDEPENDENCE IN THE COMMENTS OF THINKERS," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4 , Article 13.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss4/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 34 (575.1)

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ МУТАФАҚКИРЛАР ТАЛҚИНИДА
ВОПРОСЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ
В ТОЛКОВАНИИ МЫСЛИТЕЛЕЙ

THE ISSUES OF STATE INDEPENDENCE IN THE COMMENTS OF THINKERS

Эргашева Мавлуда Зулқандар қизи

БухДУ юридик фанлари номзоди, доцент

Ergasheva Mavluda Zulkandar kizi

candidate of legal sciences, associate professor, BSU

Таянч сўзлар: мустақиллик, давлат мустақиллиги, миллий давлат, миллий армия, халқ, ҳуқуқ, эркинлик, иттифоқ, ҳамкорлик.

Ключевые слова: независимость, государственная независимость, национальное государство, национальная армия, народ, право, свобода, союз, сотрудничество.

Key words: independence, state independence, national state, national army, people, law, freedom, union, cooperation.

Мақола маърифатпарвар мутафаккирларнинг давлат мустақиллиги борасидаги қарашлари таҳлиliga бағишланган. XX аср бошларида мустамлакачилик зулми, мустабид тузум ҳукмронлигига қарши чиққан, халқни ҳурриятиққан, халқни амлакачилик зулми, мустабид тузум ҳукмронлигигаа le, law, freedom, union, cooperation.1980. - 132 b. seless in the face of ts фуқаролик жасорати ҳамда миллий мустақил давлат барпо этиш, халқни улкан бир миллий мақсад йўлида мустақиллик ва озодликни қўлга киритиш учун ўзаро бирлик ва ҳамкорлик, иттиҳод ва иттифоқ зарурлиги тўғрисидаги бой таълимотлари, илғор ғоялари ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Статья посвящена анализу взглядов мыслителей на государственную независимость. В начале XX века, против колониального гнета, господства тиранического строя, призывавшего народ к свободе и вольности, боровшегося за свободу Родину и национальную независимость, просвещенные мыслители, погибшие на этом пути, обладали незаменяемым гражданским мужеством и восстановлением национального независимого государства, взаимным единством и сотрудничеством, богатейшими учениями о необходимости создания единого государства., правовая демократия так же важна для реализации благородной цели, как и строительство государства.

The article is devoted to the analysis of views of enlightened thinkers on the state independence. At the beginning of the XX century, against the colonial oppression, the rule of the tyrannical system, encouraged the people to freedom and freedom, fought for the freedom of Motherland and national independence, the enlightened thinkers who died on this path have the irreplaceable civil courage and the restoration of the national independent state, mutual unity and cooperation, rich teachings on the need, legal democracy is as important in the realization of the noble goal as the construction of a state.

Кириш. Ўзбекистон давлат мустақиллиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда бўлгани каби маънавий-маданий ҳаётда ҳам янги саҳифалар очди. Бой тарихий хотираси, маънавий-маданий мероси билан ҳақли ғурурланиш ҳисси халқни ўзлигини теран англашига олиб келмоқда.

Маълумки, ўзбек халқи асрлар давомида эрк ва озодлик, миллий мустақиллик учун узоқ йиллар босқинчиларга қарши курашиб келган. Миллий озодлик ва мустақиллик кураши тарихида халқни эрка, озодликка, ўзини англашга чорлаган, ушбу муқаддас йўлда шаҳид кетган фидойи ўзбек тараққийпарвар зиёлиларимизнинг ўрни алоҳида мавқе касб этади.

Жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоларини Туркистондаги инқирозли ҳолат – халқнинг ҳам мустамлакачи маъмурлар, ҳам маҳаллий амалдорларнинг икки томонлама зулми остида қолганлиги, уларнинг қашшоқлиги, эрки ва ҳақ-ҳуқуқларининг беҳад оёқости қилинаётганлиги ғоят ташвишга солган эди. Улар жамиятнинг ҳаддан зиёд тараққиётда орқада қолганлиги, маданий қоқоқликни теран англаб, давлат тузуми ва бошқарувини ислоҳ этишни, халқни саводхон – маърифатли қилишни мустамлакачилик зулмидан озод бўлишнинг истиқбол йўли деб билдилар.

Маърифатпарвар мутафаккирларимиз миллат ва мамлакатни ривожлантириш, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш учун нафақат назарий жиҳатдан, шунингдек, амалий томондан ҳам алоҳида фидойилик кўрсатдилар.

Таъкидлаш керакки, қатағон даврининг ноҳақ қурбонлари бўлган кўплаб тараққийпарвар зиёлилар миллат ва мамлакат тараққиётини илм-у маърифатни ривожлантириш, улкан сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш ва мустақилликни қўлга киритиш билан боғланган эди. Улар асарларида, дастурларида ва кенг қамровли фаолиятларида халқнинг сиёсий мустақиллиги шарт қилиб қўйилган. Жумладан, жадидлар “Эрк” партиясининг 9 банддан иборат бўлган Дастурида ҳам мамлакат ва миллат мустақиллиги тўғрисидаги қоидалар чуқур ўз ифодасини топган. Дастурнинг 3-моддасига асосан “Туркистон мустамлакачилар кўлидан қутқарилиб, мустақил идора этилишига эришилажак. Бу эса ўлкада синфий табақаланишнинг ўсиши учун шароит яратиб, деҳқонларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш даражасигача ривожланишига имкон беради”[8,110-111].

Мустабид тузумга ва мустамлакачиликка батамом барҳам бериш, шунингдек, Туркистон мустақиллиги жадидлар учун нафақат ғоя, балки амалий фаолиятларида бўлган. Жадидчилик ҳаракатининг дарғаларидан бири Мунавварқори ёзади: “Туркистон мусулмонлари зулм панжасининг остида шул қадар эзилдилар ва ҳуррият, ҳуқуқ йўлида шул қадар кўп қурбон бердиларки, бир-икки ой ичида бошқа миллатларнинг 145 йил ичида берган қурбонларига қўлаб етишдилар” [11,157]. Шунингдек у тараққийпарвар жадидларнинг асосий мақсад-муддаосини ошкора баён этади: “Чор ҳукуматини йиқитиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз шундан иборат бўлиши яширин эмас” [11,181]. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний “бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди”[1, 289] деб бежиз ёзмаган эди. Чоризм томонидан Туркистон халқини мустамлака асоратига солувчи жуда кўплаб қонун ва низомлар чиқарилиши ҳамда қарор топтирилиши, ҳукмдорлар уларни ўзлари истаганча ўзгартиришлари оқибатида ўлка аҳолиси, сиёсий ҳуқуқлари, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий эркинликлари беҳад паймол этилди, уларнинг диний, миллий ҳис-туйғулари, анъана ҳамда қадриятлари оёқости қилинди. Халқ миллий ва жаҳон афкор оммаси кўз ўнгида очиқ-ошкора асрий эрксизлик исқанжасига маҳкум этилди. Чор ҳукумати Туркистон ўлкасида асрлар давомида ижтимоий муносабатларни тартибга солиб келган, маҳаллий халқ онгига, турмуш тарзига сингиб кетган қоида ва нормаларни, бошқариш тартиботларини мустамлакачилик мафаатларига ҳамда сиёсий-ҳуқуқий тартибларига мажбуран мослаштирди. Мустамлакачиликнинг жаҳон тажрибаси кўрмаган намунасини намойиш этди.

Қомусий аллома Абдурауф Фитрат ўзи яшаган жамият ва унда ўрнатилган ижтимоий- сиёсий тартибсизликларни қаттиқ танқид қилиб, чор империяси мустамлакачилик сиёсатининг ваҳшиёна характерини аёвсиз очиб ташлайди: “...эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопонди еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик”[2]. У фуқаронинг “маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртқич жандарманинг тепгуси билан йиқилганда” инсонлик қадр-қиммати ва ҳуқуқлари ерга урилганига қаттиқ норозилик билдиради, “юртларимиз ёндирилганда, диндошларимиз осилганда”[2] жамиятда қонунсизликлар ҳукм сурган бир пайтда моҳиятни халққа тушунтирибберишга ҳаракат қилади.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Шунингдек, Фитрат Туркистонхалқларининг икки томонлама жабр-ситам остида эзилиб келаётганлиги тўғрисида фикр билдирар экан, бунинг сабаби – мамлакатда мавжуд миллий ва мустамлакачилик зулми эканлигини кўрсатиб беради. Унинг ёзишича, маҳкамаларда, уйларда йўлларда, тижорат ишларида, ҳатто, вагон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлгон рус ва арманидан тубанда тутилди [3,183-184].

Жамиятда мустамлакачилик тартиб-қоидаларининг ўрнатилиши натижасида маҳаллий халқнинг аҳволи янада ёмонлашди, инсоний ҳақ-ҳуқуқлар беҳад поймол қилинди, аҳоли икки томонлама зулм остида эзилди. Мустамлакачи маъмурларнинг ўлкада вайронагарчилик, қирғин-барот, талон-тарождан иборат сиёсати маҳаллий халқларга беҳисоб қулфатлар олиб келди.

Фитратнинг фикрича, давлат маҳкамаларидан ночор қайтганда, қамоқхоналарнинг даҳшатли азобини тортганда, мустамлакачилар томонидан инсоний ҳуқуқлар оёқости қилинганда, миллатдошлар дорга осилганда – онгимиз йўқолди, миямиз бузилди, кўзимиз ёғдусиз қолди, бирор нарсани кўролмадик [2]. Мутафаккир- Россия империяси, унинг ўлкадаги вакиллари ва маҳаллий амалдорлар томонидан беҳад жабр-зулмга маҳқум этилган, қадр-қиммати, эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган Туркистоннинг барча аҳолисини миллий ва мустақиллик учун курашга даъват этади: “Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман. Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Улим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!” [5]. Таъкидлаш жоизки, “Жадид тараққийпарварлар партияси”нинг 19 банддан иборат бўлган дастурининг 1-бандида “ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак, бу эса барча миллатларнинг орзусидир, мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат” дейилган.

Ўзбек тараққийпарвар зиёлилари давлат мустақиллигига қудратли ҳарбий қурилиш ва кучли армияга эга бўлмасдан туриб эришиш мумкин эмаслигини теран англаб етганлар. Шу боисдан улар ҳарбий қурилиш ва миллий армия масаларларига диққат-эътиборни қаратганлар. Маърифатпарварлар ҳар бир мамлакат ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритиш учун замонавий ҳарбий-техника билан қуролланган, ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга бўлган армияси бўлиши зарурлиги тўғрисидаги ғояларни дадил илгари сурадилар ва бу борада катта куч-ғайрат сарфладилар.

Фитратнинг фикрича, армиянинг ҳарбий қуроли шамшир ва эгри камондан иборат бўлмаслиги керак. Давлат ўзининг энг мукамал ҳарбий қуролларига эга бўлиши шарт [6,153]. У давлат ва фуқаролар хавфсизлигини ташкил этишда Ватан ҳудудини, халқ манфаатини, ҳимоя қилиш, уларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбир ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлайди.

Фикримизча Абдурауф Фитрат давлатни мустақил мамлакат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган давлат белгиларидан бири – унинг миллий армияси эканлигини, миллий аскар ташкил этмасдан турибмиллий давлат тузиб бўлмаслигини, шубҳасиз чуқур англаган эди.

Дарҳақиқат, миллий давлат – давлатнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми таърифи бўлиб, мазкур давлат аниқ бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш шакли ҳисобланишини англатади, энг аввало, айнан мана шу миллат иродасини ифодалайди [12,308].

Фитрат ҳар томонлама чуқур ҳарбий таълим ва тайёргарликка эга бўлган, ўз давлати ва халқига садоқатли, уларнинг қадр-қимматини ҳар вақтда ҳимоя қила оладиган аскарларга эга бўлган, ўз давлати ва халқига садоқатли, уларнинг қадр-қимматини ҳар вақтда ҳимоя қила оладиган аскарларга эга бўлган кучли миллий армияни вужудга келтириш зарур деб ҳисоблайди. Халқ мададига таянган, ягона қўмондонлик бошчилик қиладиган Миллий Армияга эга бўлмасдан туриб, давлат мустақиллиги ва фуқаро тинчлигини таъминлаб бўлмайди, деб уқтиради. Атоқли давлат сиёсат арбоби Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, Миллий Армия мамлакатнинг давлат мустақиллигини таъминловчи, уни ички ва ташқи тажовузлардан

ҳимоя қилувчи восита бўлиб, ҳар бир мамлакат ўтиш даврида ўзининг миллий армиясига эга бўлиши зарур [13,418].

Генерал ҳарбий унвонига сазовор бўлган Файзулла Хўжаев шунингдек, Миллий армия тузишда унинг моддий жиҳатдан таъминланишига асосий эътиборни қаратиш аскарларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой билан бутунлай таъминлаш ва муайян миқдорда хизмат ҳақи бериб туришкаби масалалар аҳамиятига кўра муҳим эканлигини тушунтириб беради. Моддий таъминот армияда хизмат қилишни енгиллаштирса, шу билан бирга, аскарнинг ҳарбий техникавий жанговар тайёргарлигини муттасил ошириб боришга имкон ҳам беради, армиянинг куч-қудрати, жипслиги ва жанговар қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради, мамлакат мустақиллигини таъминлайди [14].

Туркистон маърифатпарварларининг раҳнамоларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам Туркистоннинг давлат мустақиллигига эришиш учун Миллий Армияни тузиш ва миллий аскарларга эга бўлиш ниҳоятда зарур эканлигини таъкидлайди. У “Баёни ҳақиқат” мақоласида ёзади: “Туркистон ҳукуматини таъсис этсак, ўзимизни мажлис машваратимиз (парламентимиз-М.Э.) бўлсин, десак Туркистон мусулмонлари одатларига, ўз қонун ва динларига мувофиқ тириклик қилсинлар.

Туркистон яҳудий, насроний ва мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга оладиган қонунлар тузилсин. Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни ...иттифоқ этиб, бугундан ислохотга, мулкдор ва уламомиз бирлашиб дин ва миллат, Ватан ривожини учун хизмат этсак... Ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда аскарларимиз бўлсин. Ўз миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарзи маишатини (турмуш тарзини-М.Э) ўзимиз тайин қилурмиз”[9].

Беҳбудийнинг фикрича, миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди.

Чор Россияси ва қизил империянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини кўрган, истибдод жабр-зулминини бошидан ўтказган маърифатпарвар шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳам илмий-ижодий меросида эркинлик, Ватан мустақиллиги ғояси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, адолатсизлик, зўравонлик, тенгсизликка асосланган тузумда инсон эркинлик, ҳуқуқсиз ҳаёт кечиринишга маҳкум этилган.

Шоир инсон эркинлигини юксак даражада қадрлаб, дунёга ҳур, эркин бўлиб келган инсонларни, миллатдошларни золимларга бўйсунмасликка, кишан киймасликка, ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари учун, миллий мустақиллик учун, курашга даъват этади.

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсан!

Абдулҳамид Чўлпон халқни ниҳоятда қудратли куч эканлигини алоҳида таъкидлар экан, давлат мустақиллигига эришиш учун унинг билан бирга бўлмоқ зарурлигига эътиборни қаратади: “Бутун кучни халқ ичидан олайлик, кучоқ очиб халқ ичига борайлик!”[7,408].

Маърифатпарвар мутафаккирларимиз миллий озодлик ва давлат мустақиллиги учун кураш йўлида тарқоқлик, ноиттифоқлик оғир кулфат эканлигини чуқур тушунган эдилар. Улар ўзларининг келажақдаги давлат тузумини миллатларнинг бирлиги, иттифоқи асосида тасаввур этардилар.

Барча миллатлар ва жамоатлар учун айрилик ва иттифоқсизликдан ортиқ кулфат, инқироз йўқдир. Фақатгина тарихда номлари қолган элатларнинг йўқолиб кетганларига биринчи сабаб – парокандалик ва бирлашмаганликдир, - деб кўрсатади Фитрат – иттиҳодсизлик ва бўлиниш оқибатида миллатлар жаҳолат ва мазлумликдан қутула олмайдилар, ҳатто ўзларининг тинчлик ва осойишталикларини ҳам сақлаб қололмайдилар. Мутафаккир ёзади: “Эй, Туркистон мусулмонлари! Тангри учун, Пайғамбар учун, дин учун, миллат учун, келинг бирлашайлик, орамиздаги шахсий тортишувлар, синфий айриликлардан кўз юмайлик; Ислом динининг биринчи буйруғи бўлган қардошлиқ иттиҳод иплари билан боғланайлик; қўлни-қўлга берайлик, Ҳақ

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

йўлида, Ватан йўлида, Миллат йўлида; жадидимиз, қадимимиз, мулламиз, мулкдоримиз ва авомимиз бир ерда тўпланайлик, бир-биримизга кўмакчи ва мадакдор бўлайлик!” [4]. Чироғларим! – дея бу ҳақда куюниб ёзади Бехбудий, - бошқа халқлар, масалан серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар ҳатто, дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа катта ва қувватли давлатларга тобеъ бўлуб, ютулуб, ҳатто, тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоққа жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоқликдур, Турк томурига болта урмоқликдур [10].

Хулоса. XX аср бошларида мустамлакачилик зулми, мустабид тузум ҳукмронлигига қарши чиққан, халқни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, Ватан озодлиги ва миллий истиқлол учун курашган, бу йўлда шаҳид кетган маърифатпарвар мутафаккирларимизнинг беқиёс фуқаролик жасорати ҳамда миллий мустақил давлат барпо этиш, халқни улкан бир миллий мақсад йўлида мустақиллик ва озодликни қўлга киритиш учун ўзаро бирлик ва ҳамкорлик, иттиҳод ва иттифоқ зарурлиги тўғрисидаги бой таълимотлари, илғор ғоялари ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳуқуқий демократик давлат куришдек эзгу мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамиятга моликдир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Abdulla Avloniy.** Tarjimai holim. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 2-jild. -T.: Ma'naviyat, 2006. -289 b.
2. **Abdurauf Fitrat.** Muxtoriyat //Hurriyat. 1917 yil, 5 dekabr.
3. **Abdurauf Fitrat.** Turkistonda ruslar //Sharq yulduzi. 1992. 4-son. - B. 183-184.
4. **Abdurauf Fitrat.** Ittifoq etaylik // 1917 yil, 25 iyul.
5. **Abdurauf Fitrat.** Yurt qayg'usi. (Bir o'zbek yigiti tilidan) // Hurriyat. 1917 yil, 18 avgust.
6. **Abdurauf Fitrat.** Hindistonda bir farangi ila buxoroli mudarrisning jadid maktablari xususida qilgan munozarasi. Tanlangan asarlar. I jild. - T.: Ma'naviyat. 2000. 153 b.
7. **Abdulhamid Cho'lpon.** Xalq. Kitobda: Yana oldim sozimni. - T.: G'.G'ulom, 1991. - 408 b.
8. **Ahmad Zakiy.** Validiy To'g'on. Bo'linganni bo'ri yer /Turkiston xalqlarining milliy mustaqillik uchun kurashi tarixidan xotiralar. - T.: Adolat, 1997. - B. 110-111.
9. **Mahmudxo'ja Behbudiy.** Bayoni haqiqat //Ulug' Turkiston. 1917 yil, 12 iyun.
10. **Mahmudxo'ja Behbudiy.** Qozoq qarindoshlarimizg'a ochiq xat // Hurriyat. 1918 yil, 26 yanvar.
11. **Munavvarqori Abdurashidxonov.** Tanlangan asarlar. - T.: Ma'naviyat, 2003. - 157 b.
12. O'zbekiston yuridik entsiklopediyasi. - T.: Adolat, 2010. - 308 b.
13. **Xo'jaev F.** Uch tomlik tanlangan asarlar to'plami. 1- tom. - T.: Fan,- 418 b.
14. **Xo'jaev F.** Hukumat va mamlakatning joni askardir // Buxoro axbori. 1992, 22 aprel.

УДК: 321(08) 308.32

**ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (Япония ва Хитой мисолида)**

**ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В
АЗИАТСКИХ СТРАНАХ (на примерах Японии и Китая)**

**FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN ASIAN
COUNTRIES (on the examples of Japan and China)**

Салаев Дилшод Жуманазарович

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таянч докторанти

Salaev Dilshod Jumanazarovich

basic doctoral student, UzSUWL

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, “учинчи сектор”, жамоат ташкилотлари, фондлар.

Ключевые слова: гражданское общество, «третий сектор», негосударственные некоммерческие организации, общественные организации, фонды.